

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган



ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 22 йиллигига бағишланган байрам тантанаси бўлиб ўтди.

2013 йил, 31 август. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи, унга туташ майдон ва хиёбонлар, йўллар ва бинолар байрамона безатилган. Мусаффо осмон, гулгун шафақ, ранг-ранг байроқлар атрофга киб тароват бахш этган.

Соат 19.00. Байрам тантанасида ҳозир бўлганлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовни қарсақлар билан кутиб оладилар.

Давлатимиз раҳбари мустақиллигимизнинг йигирма икки йиллиги билан бутун халқимизни муборакбод этади. Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси ижро этилади.

Майдонга ўрнатилган йирик мониторларда Президентимизнинг 1991 йил 31 август куни парламент минбарида нутқ сўзлаётган сиймоси намоён бўлади. Ислам Каримов Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини эълон қилади.

Бу сўзлар ҳурриятпарвар аждодларимизнинг асрий орзусини, халқимизнинг ўзига муносиб ҳурмати ва ҳуқуқини рўёбга чиқарди.

Бу йил энг улуғ, энг азиз айёмимиз мамлакатимиз бўйлаб «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» деган эзгу ғоя асосида нишонланмоқда. Бу шорда истиқлолнинг мазмун-моҳияти, мустақиллик туфайли ҳис этганимиз инжа туйғулар ўз аксини топган.

...Даврага болалар чиқиб келади. Уларнинг шўх-шодон кулгулари, қувноқ рақс ва кўшиқларидан диллар яйрайди.

Бугун Ўзбекистон 130 дан ортиқ давлат билан дипломатик муносабатлар ўрнатган. Тошкентда 45 мамлакатнинг элчихонаси, йигирмага яқин халқаро ташкилот ва молиявий муассаса ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда. Хорижий давлатларда, халқаро ташкилотлар ҳузурида Ўзбекистоннинг 46 дипломатик ва консуллик ваколатхоналари очилган. Мамлакатимиз БМТ, ШХТ, МДХ, Ислам конференцияси ташкилоти каби нуфузли халқаро ва минтақавий тузилмаларга аъзо.

Ўзбекистон халқаро муносабатларда асосли ва эзгу ташаббуслари билан жаҳон оммаси ҳурматини қозонмоқда. Дунё миқёсида тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, гуманитар-маданий ҳамкорликни ривожлантириш, экологик муаммоларнинг олдини олиш борасидаги саъй-ҳаракатлари самарасида мамлакатимизнинг жаҳон сиёсат майдонидаги обрў-эътибори ва нуфузи тобора ошиб бормоқда.

«Бу Ватан сенингдир». Қалбларга ҳаяжон солувчи, Ва-

танга дахлдорлик туйғуларини уйғотувчи ушбу кўшиқ садолари остида майдонга озодлигимиз ва тинчлигимизнинг мустаҳкам қалқонлари бўлган ҳарбийларимиз кириб келади.

Тинчлик — тараққиёт ва фаровонликнинг энг муҳим омили. Мамлакатимизда ана шу оминнинг доим барқарорлиги туфайли барча соҳаларда улкан ютуқ ва марраларга эришилмоқда. Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг «Ўзбек модели»нинг изчил амалга оширилаётгани самарасида мамлакатимиз иқтисодиёти 3,5 баробардан зиёд ўсди.

Бундай юксак натижаларга эришишда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш, имтиёз ва преференциялар бериш, соҳа вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар муҳим омил бўлмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик аҳолини сифатли товарлар билан таъминлаш, экспорт таркибида юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотларни кўпайтириш, замонавий хизмат кўрсатиш, янги иш ўринларини яратиш ва шу асосда аҳоли даромади ҳамда фаровонлигини оширишда етакчи кучга айланиб бораётир.

Ҳозирги кунда ялпи ички маҳсулотнинг 54 фоизи, ишлаб чиқарилаётган санаат маҳсулотларининг 22 фоизи ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 98 фоизи айнан шу соҳа ҳиссасига тўғри келмоқда.

Қишлоқ хўжалигида янги мулкчилик шакллари жорий этилгани, фермерлик ҳаракати кенг йўл очилгани, энг муҳими, меҳнатга муносабатнинг ўзгаргани самарасида Ўзбекистон қисқа вақтда ғалла мустақиллигига эришди.

Жорий мавсумда деҳқонларимиз 7 миллион 610 минг тоннадан зиёд юксак хирмон бунёд этди. Бу рақамни 90-йиллардаги ҳолат билан қиёслаганда ҳосилдорлик 3 каррадан кўпроқ ошгани, умумий ҳосил 7 баробардан зиёд кўпайгани аён бўлади. Мустақилликкача дон ва ун таъминоти бўйича бошқаларга қарам бўлиб келган халқимиз айни пайтда ўз эҳтиёжини таъминлаш билан бирга хорижий давлатларга дон экспорт қилмоқда.

...Оҳанглари эзгулик нишонлари бўлиб, байрам сахнасида мумтоз санъатимиз дурдоналари янграйди...

Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Ўз тарихи, анъаналари ва

қадриятларига эга бўлган ва уни қадрлаган миллат теран илди-ларидан қувват олади, юксалади, тараққий этади.

«Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали, «Асрлар садоси» анъанавий маданият фестивали ана шу бой маънавий меросимизни кенг тарғиб этиш, санъатнинг турли йўналишларида фаолият кўрсатаётган ижодкорларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилаётир.

Президентимиз таклифига биноан 2013 йил мамлакатимизда Обод турмуш йили, деб эълон қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг ғояси ва ташаббуси асосида пойтахтимизнинг Алишер Навоий кўчасида бунёд этилган кўп қаватли замонавий уйлар фойдаланишга топширилди. Бу шаҳарнинг меъморий қиёфасини янгилаб, бошқа иншоотлар билан уйғунлик касб этди. Пойтахтимизни замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида режали ривожлантиришга қаратилган бундай изчил ишлар самарасида Тошкент дунёдаги экологик жиҳатдан тоза ва кўркам қиёфага эга етакчи пойтахт шаҳарлар қаторидан жой олди. 2012 йилда Буюк Британиянинг нуфузли Economist Intelligence Unit (EIU) компанияси эълон қилган рейтингда Тошкент дунёнинг яшаш қўлай бўлган шаҳарлари орасида қайд этилгани бунинг далилидир.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида 10 мингта яқка тартибдаги замонавий уй-жой барпо этилмоқда. Мустақиллик байрами арафасида қўллаб ана шундай уйлар ўз эгаларига топширилди.

...Байрам тантанаси янада қизийди. Ватанини мадҳ этувчи кўшиқлар ва рақсларда яшаш завқи, ёш авлод қалби ва тафаккурда жўш ураётган бунёдкорлик иштиёқи, шу заминда туғилиб камол топиш бахтидан масрурлик ҳислари жўш уради...

Майдон узра таралаётган қуй ва алёрларда мустақиллик, тинч ва осойишта ҳаёт улуғланади, эркин ва обод Ватанга фарзандлик меҳри, шукроналик ва миннатдорлик туйғуси билан йўғрилган, севги, садоқат ва дўстликни мадҳ этувчи кўшиқлар жозибали рақсларга уланади.

Самода ранг-баранг мушаклар жило сочади. Ёғдуларга боқиб қалбларимиздаги ҳаяжон тошади. Қалблардаги эзгу ниётлар тилга кўчади:

— Мустақиллигинг абадий бўлсин, жонажон Ватаним!

— Улуғ тўйинг муборак бўлсин, буюк ва муқаддас Ватаним — мустақил Ўзбекистон!

ЎЗА материали асосида тайёрланди.

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан norma.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



СПОРТ ТИББИЁТИ МАРКАЗИ ҒОЛИБ БЎЛИШДА КЎМАКЛАШАДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 15.08.2013 йилдаги 226-сон қарори билан Миллий олимпия қўмитаси ҳузуридаги Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази тўғрисидаги низом ҳамда унинг фаолиятини ташкил этишга доир чора-тадбирлар комплекси тасдиқланди.

МОҚ ҳузуридаги Спорт тиббиёти маркази спорт тиббиёти соҳасида ягона сиёсатни амалга оширувчи, миллий терма жамоалар аъзолари бўлган спортчиларни тиббий-биологик ва тиббий-психологик жиҳатдан мусобақаларга тайёрлашни таъминловчи ихтисослаштирилган бош тиббиёт муассасаси мақомига эга. Шунингдек миллий антидопинг хизмати функциясини бажариш унинг зиммасида ҳисобланади.

Марказ бош ташкилот сифатида спорт тиббиёти соҳасида ихтисослашув турларига кўра тиббиёт кадрларини тайёрлайди, қайта тайёрлайди ва уларнинг малакасини оширади.

Низомда Марказнинг мақсадлари, вазифалари ва функциялари, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари батафсил белгиланган. Чунончи, у дори-дармонларнинг, овқатланиш тартиби ва рационининг спортчиларнинг физиологик ҳолатига таъсирини тадқиқ қилади, уларнинг имкониятларини ошириш мақсадида антидопинг воситаларини яратиш ва қўллаш дастурларини ишлаб чиқади, мусобақа ва машғулотларни режалаштиришни ҳисобга олган ҳолда спортчининг индивидуал спорт жисмоний юкласини мақбуллаштиради, мусобақаларда қатнашишга унинг психологик тайёргарлигини таъминлайди, иқтидорли ёш ва истиқболли спортчиларни танлашнинг замонавий услубларини, антидопинг назоратининг самарали тизимларини жорий этади.

МИЗ ҚАТНАШЧИЛАРИГА ЕРЛАРНИ АЖРАТИШ ТАРТИБИ ТАСДИҚЛАНДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 26.08.2013 йилдаги 234-сон қарори билан Махсус индустриал зоналар қатнашчиларига ер участкалари бериш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Ҳужжат махсус индустриал зоналар (МИЗ) қатнашчиларига ер участкалари беришнинг ягона тартибини белгилаш ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлашга йўналтирилган.

Ўзбекистон ҳудудида иккита махсус индустриал зона: Тошкент вилоятида «Ангрен» МИЗ (Президентнинг 13.04.2012 йилдаги ПФ-4436-сон Фармони) ҳамда Жиззах вилоятида «Жиззах» МИЗ (Президентнинг 18.03.2013 йилдаги ПФ-4516-сон Фармони) барпо этилган.

Низом билан белгиланишича, МИЗ таркибига киритиладиган ер участкалари чегаралари Президентнинг фармонларига мувофиқ белгиланади. МИЗ ҳудудидаги ер участкалари ҳудудида МИЗ ташкил этиладиган вилоятлар ҳокимликларининг тўғридан-тўғри юритувида бўлади ва МИЗ маъмурий кенгашлари қарорлари асосида тегишли вилоятлар ҳокимлари томонидан МИЗ қатнашчиларига берилади. Бунда МИЗ қатнашчиси мақомини олган ва МИЗнинг маъмурий кенгаши қарори билан корхонани жойлаштириш учун жой берилган тадбиркорлик субъектига ер участкасини бериш рад этилишига йўл қўйилмайди.

Ер участкалари МИЗ фаолият кўрсатиши даврида 30 йилгача муддатга муддатли фойдаланиш учун берилади. Бироқ МИЗнинг фаолият кўрсатиш муддати тегишли муддатга узайтирилганда ер участкасидан муддатли фойдаланиш муддатини узайтириш ҳуқуқи берилади. Тадбиркорлик субъекти МИЗ қатнашчиси мақомидан маҳрум этилган тақдирда ҳам унинг ер участкасидан муддатли фойдаланиш ҳуқуқи муддатидан олдин тўхтатилади.

Ҳужжат билан МИЗ қатнашчиларига ер участкалари бериш тартиби белгиланган. Ер участкаси ажратиш бўйича материалларни тайёрлашнинг умумий муддати ишларнинг ўртача мураккаблигига 16 кунни ташкил этади.

Низомга кўра ишламаётган корхоналар ва давлат мулки бўлган мол-мулк билан банд бўлган ҳамда экологик талаблар ва хавфсизлик нормалари ҳисобга олинган ҳолда асосланган ҳисоб-китоблар бўйича улардан фойдаланиш учун зарур бўлган ер участкасидан муддатли фойдаланиш ҳуқуқи бошқа субъектларга ўтиши мумкин.

ЯНГИ ХУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

1-бетда

Ер участкаларининг ажратилиши ва ҳуқуқларнинг янги фойдаланувчиларга ўтиши тўғрисидаги материалларни тайёрлашда, агар бузиладиган турар жойлари ва бинолари мавжуд бўлса, фуқароларнинг кўчириладиган оилалари (янги ер участкалари ёки квартиралар олишни хоҳловчилар кўрсатилган ҳолда), шунингдек тегишли юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатлари ва зарарлари ҳисобга олинади.

Ер участкалари эгалари, фойдаланувчилари ва мулкдорларининг зарарлари, шунингдек Ер кодексида назарда тутилган қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги нобудгарчиликлари тегишли вилоятлар ҳокимликлари томонидан маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобига қопланади.

КИЧИК БИЗНЕС УЧУН БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ЯНА СОДДАЛАШТИРИЛДИ

Молия вазирининг буйруғи (АВ томонидан 14.08.2013 йилда 2501-сон билан рўйхатдан ўтказилган, «СБХ»нинг 35-сониди чоп этилган) билан янги Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (20-сон БҲМС) «Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан бухгалтерия ҳисобини юритишнинг соддалаштирилган тартиби» тасдиқланди. Илгари амал қилган «Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳисоб юритишнинг ва ҳисобот тузишнинг соддалаштирилган тартиби тўғрисида»ги 20-сон БҲМС (АВ томонидан 24.01.2000 йилда 879-сон билан рўйхатдан ўтказилган) ўз кучини йўқотди.

Янги 20-сон БҲМСнинг талаблари барча кичик тадбиркорлик субъектларига татбиқ этилади, яқка тартибдаги тадбиркорлар ва фермер хўжаликлари бундан мустасно. Унда белгиланишича, яқка тартибдаги тадбиркорлар бухгалтерия ҳисобини солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, фермер хўжаликлари эса Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобининг соддалаштирилган тартибини ташкил этиш тўғрисида низомга (АВ томонидан 26.03.2008 йилда 1781-сон билан рўйхатдан ўтказилган) мувофиқ юритади. Илгари 20-сон БҲМСнинг амал қилиши кредит ва сугурталаш ташкилотлари, инвестиция фондлари ва кичик тадбиркорлик субъектлари ҳисобланадиган бошқа молия ташкилотларига ҳам татбиқ этилмас эди. Бу ҳақдаги қоидалар БҲМСдан чиқариб ташланди, тегишинча, санаб ўтилган хўжалик юритувчи субъектлар ҳам энди ҳисоб юритишнинг соддалаштирилган тартибини қўллашлари мумкин.

Илгари бўлганидек, кичик тадбиркорлик субъектлари ўз ҳисоб сийсатларини мустақил юритиш ва бухгалтерия ҳисобини юритишнинг соддалаштирилган тартибини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эгалар.

Бироқ эндиликда корхоналар раҳбарлари бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисобот тузиш учун чет ташкилотлар – ихтисослашган бухгалтерия фирмаларини жалб этиш ҳуқуқини олдилар.

Хужжат билан аниқлаштирилишича, бухгалтерия ҳисобини соддалаштирилган шаклда ташкил этиш учун кичик тадбиркорлик субъектлари 21-сон БҲМС «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома»га (АВ томонидан 23.10.2002 йилда 1181-

сон билан рўйхатдан ўтказилган) мувофиқ Молиявий-хўжалик операциялари бухгалтерия ҳисобининг ишчи счётлар режасини тузадилар.

20-сон БҲМСда бухгалтерия ҳисоби оддий ёки комбинациялашган шакллар асосида юритилиши тартиби батафсил ёритилган, ушбу шакллар корхонанинг ишлаб чиқариш ва бошқарув талабларидан келиб чиқиб, мустақил танланиши қайд этилган.

Бундан ташқари, унда Молиявий-хўжалик операцияларини қайд этиш журнали ҳамда Молиявий-хўжалик операцияларини ҳисобга олиш китобининг янги шакллари, шунингдек 17 та тегишли ҳисобга олиш объектлари қайдномаси берилган.

ВЕТЕРИНАРИЯ ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР УЧУН ИМТИЁЗЛИ ХОМ АШЁ РЎЙХАТИ

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ва Давлат божхона қўмитасининг қўшма қарори (АВ томонидан 22.08.2013 йилда 2502-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ветеринария дори воситаларини ишлаб чиқариш учун мўлжалланган, импорт қилишда қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган хом ашёлар рўйхати тасдиқланди.

ҚҚСдан озод қилиш кўринишидаги имтиёз Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 211-моддаси 6-бандига мувофиқ қонун ҳужжатларида белгилан-диган рўйхатга кўра хом ашё олиб киришда тақдим этилади.

Қарорда кўрсатилишича, имтиёз ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан ветеринария дори воситалари ишлаб чиқариш мақсадида келтириладиган хом ашёларга, шунингдек ветеринария дори воситалари ишлаб чиқарувчи корхоналар билан тузилган шартномаларга асосан хом ашёларни импорт қилувчи корхоналарга нисбатан татбиқ этилади.

Имтиёз татбиқ этиладиган ветеринария дори воситалари ишлаб чиқариш учун тасдиқланган хом ашёлар рўйхатига 126 та номдаги хом ашё киритилган. Улар орасида черемича илдизи, глюкоза, чўктирилган олтингурут ва бошқалар бор.

АУДИТОРЛИККА НОМЗОДЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР АНИҚЛАШТИРИЛДИ

Молия вазирининг буйруғи (АВ томонидан 27.08.2013 йилда 977-5-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Аудитор малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Хужжат билан аудитор малака сертификатини олиш учун номзодларга қўйилган бир қатор талаблар «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунга (26.05.2000 йилдаги 78-II-сон Қонун таҳририда) мувофиқлаштирилди.

Хусусан, аудитор малака сертификати жисмоний шахсга аудиторлик хизматлари кўрсатиш ҳуқуқини беради, дея аниқлик киритилди (илгари унга аудиторлик текширувлари ўтказишга рухсат берилар эди).

Шуни эслатиб ўтамизки, «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 2 ва 17-моддаларига мувофиқ

аудиторлик хизматлари айна аудиторлик текширувлари ўтказиш ва қуйидаги профессионал хизматлар кўрсатишни ўз ичига олади, хусусан:

бухгалтерия ҳисобини йўлга қўйиш, қайта тиклаш ва юритиш;

молиявий ҳисоботни тузиш;

миллий молиявий ҳисоботни бухгалтерия ҳисоб-халқаро стандартларига ўтказиш;

хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш;

бухгалтерия ҳисоби, солиқ солиш, режалаштириш, менежмент ва молия-хўжалик фаолиятининг бошқа масалалари юзасидан консалтинг хизмати;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар ва декларацияларни тузиш;

хўжалик юритувчи субъект тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) вазифаларини амалга ошириш.

Аудиторларни тайёрлаш марказларида махсус таълим олмасдан малака имтиҳонига кириш ҳуқуқини берувчи зарур иш стажы сифатида инобатга олинadиган меҳнат стажининг аниқ давомийлиги белгиланди. Аудиторликка номзод аввалгидек иқтисодий соҳада камида 5 йил ишлаши, бироқ бу давр сўнгги 10 меҳнат йилига кириши шарт.

Шунингдек:

малака имтиҳонини топширишга қўйиш рад этилган ҳолда Молия вазирлиги кўрсатган камчиликларни бартараф этиш учун – камида 10 кунлик;

хужжатларни қайта кўриб чиқиш учун – 3 кунли.

(қўшимча йиғимни ундирмасдан) муддат белгиланди.

Бунда малака имтиҳонини топширишга қўйиш рад этилишига асос бўлган камчиликлар 10 кун давомида бартараф этилмаса, даъвогарнинг аризаси янгитдан топширилган деб ҳисобланади, дея аниқлик киритилди.

Аудитор малака сертификатини олишга номзод тақдим этадиган хужжатларга қўйиладиган талабларга тузатиш киритилди. Чунончи, у халқаро бухгалтер сертификатлари нусхаларини тақдим этганда эндиликда сўнгги 5 йил давомида ҳар йили малакасини оширганлигини тасдиқловчи гувоҳномалари ҳам мавжуд бўлиши керак. Агар халқаро бухгалтер сертификати олинганига 5 йилдан кўп бўлмаган бўлса, ҳар йили малака оширганини тасдиқловчи гувоҳномаларнинг нусхаларини тақдим этиши керак бўлади, улар халқаро бухгалтер сертификати олинган йилдан кейинги йилдан бошлаб тақдим этилади.

Бундан ташқари, сертификатнинг амал қилиш муддатини узайтиришга хужжатлар тақдим этаётганда ҳам аудиторлар малакасини ошириш курсларидан ҳар йили ўтганлик тўғрисидаги, уни берган муассасанинг муҳри билан тасдиқланган гувоҳномаларини тақдим этиш зарур.

Юқоридаги Низомга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга мувофиқ эндиликда малака сертификати (берганлик, амал қилиш муддатини узайтирганлик, қайта расмийлаштирганлик) учун йиғимни тўлаш мақсадида банк реквизитлари ҳақидаги ахборот ҳам Молия вазирлигининг веб-сайтида жойлаштирилган бўлиши керак.

Хужжат билан бошқа ўзгартиришлар ҳам киритилди.

Тақдим этилган хужжатларга қисқача шарҳларни таҳририят эксперт-юристлари тайёрладилар.

МДҲ ВА БОЛТИҚБҲИИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	2.09.2013	1	0,7844	1	1,0386	1	0,0236
Арманистон	2.09.2013	1	406,76	1	537,78	1	12,22
Беларусь	3.09.2013	1	8990,00	1	11900,00	1	271,00
Грузия	2.09.2013	1	1,6615	1	2,1993	100	4,9974
Қозоғистон	2.09.2013	1	152,81	1	202,70	1	4,60
Қирғизистон	3.09.2013	1	48,7243	1	64,5305	1	1,4655
Латвия	3.09.2013	1	0,532000	1	0,702804	1	0,016000
Литва	3.09.2013	1	2,6121	1	3,4528	1	0,078538
Молдова	2.09.2013	1	12,7955	1	16,9405	1	0,3849
Россия	3.09.2013	1	33,2522	1	43,9561	—	—
Тожикистон	2.09.2013	1	4,7672	1	6,1179	1	0,1485
Украина	27.08.2013	100	799,3000	100	1057,8735	10	2,4041
Эстония	31.12.2010	1	11,7107	1	15,6466	1	0,383246

Марказий (миллий) банкларнинг расмий сайтлари маълумотлари асосида.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2013 йил 3 сентябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	1909,29	1 Польша злотийси	660,17
1 Англия фунт стерлинги	3313,42	1 СДР	3227,12
1 Дания кронаси	377,21	1 Туркия лираси	1047,21
1 БАА диррами	579,83	1 Швейцария франки	2284,86
1 АҚШ доллари	2129,72	1 ЕВРО	2829,25
1 Миср фунти	305,74	10 Жанубий Корея вони	19,31
1 Исландия кронаси	17,77	10 Япония иенаси	215,93
1 Канада доллари	2024,64	1 Россия рубли	64,06
1 Хитой юани	348,22	1 Украина гривнаси	266,45
1 Малайзия ринггити	648,71		

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган

УШБУ
СОҢДА:

● УСТУВОРЛИКЛАР

– Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон! **1-бет**

● ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Янги хужжатларни тақдим этамиз

– Валюталар курси **2-бет**

● ХЎЖАЛИК ҲУҚУҚИ

– Низони кимга ишониш мумкин?

– Норезидент қарзни қандай қилиб ундиради **3-бет**

● ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ

– Экспортчиларимиз жавоб олдилар **4-бет**

● КАДРЛАР БЎЛИМИ

– Ишлаш мумкин эмас, қисқартирилсин

– Кеч келишингиз боиси узрли бўлса **5-бет**

● БИЗНИНГ МАСЛАҲАТЛАР

– Чет эллик ходимдан солиқ ушланадими? **6-бет**

● ОНА ЮРТИМ, ЎЗБЕКИСТОНИМ!

– Улуғ зотлар ила кўкс оосмон Боғистон **7-бет**

● ПАСПОРТ МАСАЛАЛАРИ

– Фуқародан 17-шаклни талаб қилиш қонунийми?

– Масофадан туриб ишлайдиган ходим хусусида **8-бет**

НИЗОНИ КИМГА ИШОНИШ МУМКИН?

Биз профессионал аудиторга ташкилотимизнинг хўжалик судидаги вакили бўлишни топшира оламизми? Ёки бунинг иложи йўқми, чунки судда адвокат ҳимояни амалга оширади, аудитор эса бошқа вазифаларга эга?

МЧЖ директори. Тошкент шаҳри.

— Хўжалик судида вакил бўлиши мумкин бўлган шахслар Хўжалик процессуал кодексининг (ХПК) 50-моддасида кўрсатилган. Иш юритиш учун тегишли тарзда расмийлаштирилган ваколатга эга бўлган ҳар қандай фуқаро хўжалик судида вакил бўлиши мумкин.

Вакилнинг ваколатлари ишончнома билан расмийлаштирилади. Унда вакил судда ишонч билдирувчи номидан амалга оширишга ҳақли бўлган, ХПКнинг 52-моддасида кўрсатиб ўтилган процессуал ҳаракатлар санаб ўтилган бўлиши керак. Агар вакил берилган ишончномада унинг аниқ ваколатлари кўрсатилмаган бўлса, у барча процессуал ҳаракатларни, ХПКнинг 52-моддасига мувофиқ амалга оширилишига ваколат ишончномада махсус назарда тутилиши керак бўлганлари бундан мустасно, амалга оширишга ҳақлидир.

Шу тариқа, агар ташкилотингиз хўжалик судида вакил бўлишга кас-

би бўйича аудитор бўлган (аудитор бўлиб ишлаётган) фуқаро номига ишончнома берса, хўжалик процессуал қонунчилигида унга вакиллик ваколатлари бериш учун бунга боғлиқ ҳеч қандай чекловлар ёки афзалликлар белгиланмаган.

Адвокатга келсак: муайян адвокатнинг унга юридик ёрдам сўраб мурожаат қилган шахснинг манфаатларини судда ҳимоя қилиш ҳуқуқи далолатнома билан тасдиқланади. Бироқ хўжалик судида вакил бўлишда адвокатга берилган далолатнома ишончнома ўрнини босмайди. Хўжалик судида адвокат ҳам — ишончнома асосида, ваколатлари лозим даражада ХПКнинг 50–52-моддаларига мувофиқ расмийлаштирилган бошқа фуқаро ҳам сизнинг вакилингиз бўлиши мумкин.

Елена ЕРМОХИНА,
эксперт-юристимиз.

ПЕНЯ ҲАМ, ЖАРИМА ҲАМ ТўЛАШГА Тўғри КЕЛАДИМИ?

Масъулияти чекланган жамиятимизга нисбатан асосий қарз, тўлов бўйича мажбурият ижросини кечиктирганимиз учун пеня ва тўлашдан бош тортганлик учун қарз суммасининг 15%и миқдорида жарима ундириш тўғрисида даъво тақдим этилди. Бунда шартномада жарима ундириш назарда тутилмаган, фақат хариддорнинг ўз мажбуриятини бажармаганлик учун пеня тўлаш тарзидаги жавобгарлик қайд этилган. Даъвогар жарима тўлаш тўғрисидаги талабларни «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базиси тўғрисида»ги Қонуннинг 24-моддаси билан асослаяпти.

Даъвогарнинг талаблари асосланганми? Бир шартнома бўйича пеня ҳам, жарима ҳам ундирса бўладими?

МЧЖ раҳбари ва бухгалтери.
Жиззах вилояти.

— Фуқаролик кодекси (бундан кейин — ФК) 260-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ қонун ҳужжатлари ёки шартнома билан белгиланган, қарздор мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кредиторга тўлаш шарт бўлган пул суммаси неустойка ҳисобланади. Неустойка жарима ёки пеня шаклида бўлади.

Қарздор мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ҳолларда тўлайдиган неустойка жарима ҳисобланади. У одатда қатъий пул суммасида ҳисобланади.

Қарздор мажбуриятларнинг бажарилишини кечиктириб юборганида тўлайдиган ва ўтказиб юборилган муддатнинг ҳар бир куни учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмига нисбатан фоиз билан ҳисобланадиган неустойка пеня ҳисобланади (ФКнинг 261-моддаси).

«Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базиси тўғрисида»ги Қонун (29.08.1998 йилдаги 670-1-сон) 24-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқа тартиб назарда тутилган бўлмаса, хўжалик шартномаларини бажармаганлик ва лозим даражада бажармаганлик учун ушбу Қонуннинг 25–32-моддаларида назарда тутилган жавобгарлик чоралари қўлланилади. Ушбу қоида шартнома мажбуриятларини бузганлик учун жавобгарлик хўжалик шартномасида назарда тутилган бўлса, шартнома бўйича жавобгарлик қўлланилишини англади. Бундан ташқари, агар шартномада унинг фақат айрим ҳолатларини бажармаганлик учун жавобгарлик назарда тутилган бўлса, фақат шу ҳолатлар учун жавобгарлик шартномага асосан қўлланилади¹.

«Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базиси тўғрисида»ги Қонун 24-моддасининг қоидаларини амалга ошириш учун Олий

хўжалик суди Пленумининг «Мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулкӣ жавобгарлик тўғрисида фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги қарори (15.06.2007 йилдаги 163-сон) 3-банди билан хўжалик судлари учун янада аниқ қоидалар мустаҳкамланган. Уларга асосан, агар шартномада айнан битта мажбуриятнинг бузилиши учун неустойкани ҳам жарима, ҳам пеня кўринишида тўлаш назарда тутилган бўлса, судлар шуни эътиборга олишлари лозимки, қонунчиликда бошқача ҳоллар назарда тутилмаган бўлса, даъвогар фақатгина бир шаклдаги неустойка қўллашни талаб қилишга ҳақли.

Шу тариқа, сизнинг ҳолатда суд фақат тўлов бўйича мажбурият ижросини кечиктирганлик учун пеня ундиришга ҳақлидир. Айни вақтда шуни ҳисобга олиш лозимки, агар қарздорнинг то-варлар (ишлар, хизматлар) ҳақини тўлашдан бош тортганлиги исботлан-са, суд унга нисбатан пеня қўлланилган ёки қўлланилмаганлигидан қатъи назар, ҳақи тўланмаган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима ундиришга ҳақли бўлади².

Тўлаш имконияти бўла туриб, тўловни амалга оширмаганлик, қарзини асоссиз равишда тан олмаслик, кредиторлик-дебиторлик қарзлари ҳақида солишти-риш далолатномалари тузишдан бўйин товлаганлик, ўзини атайлаб тўловга қобилиятсиз қилиб кўрсатганлик ва ҳоказолар тўлашдан бош тортиш деб топилади. Агар қарздорда товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини тўлаш учун молиявий имкон бўлмаса, бироқ у қарзни тан олиб, уни тўлашга ҳаракат қилаётган бўлса, ушбу хатти-ҳаракатларни тўловдан бош тортиш деб баҳоламаслик зарур.

Павел СИЛЬНОВ,
адвокат.

¹Олий хўжалик суди Пленумининг «Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базиси тўғрисида»ги Қонунини хўжалик судлари амалиётида қўллашнинг айрим масалалари ҳақида»ги қарорининг (4.03.2002 йилдаги 103-сон) 10-банди.

²Олий хўжалик суди Пленумининг 4.03.2002 йилдаги 103-сон қарори 12-банди.

Россия компанияси Ўзбекистонга қувурлар етказиб беришга шартнома тўзди. Етказиб берувчи маҳсулот етказиб бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажарди, Ўзбекистон компанияси эса етказиб бериш ҳақини қисман тўлади. Ўзбекистон компанияси ўз қарзини тан олади, бу ҳол ўзаро ҳисоб-китобларни солиштириш далолатномаси билан тасдиқланади.

Агар компаниянинг (етказиб берувчининг) Ўзбекистонда ваколатхонаси бўлмаса, ташқи иқтисодий контракт бўйича қарзни ундириш тартиби қандай? Буни қандай қилиб самаралироқ ва тезроқ қилиш мумкинлигини айтиб берсангиз.

Компания бош директори, бош бухгалтери.
Челябинск, Россия Федерацияси.

НОРЕЗИДЕНТ ҚАРЗНИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ УНДИРАДИ

— Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг (ЎЗР ХПК) 221-моддасига мувофиқ чет эл ташкилотлари ўзларининг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари ва қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун Ўзбекистон Республикасининг хўжалик судларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Бунда улар Ўзбекистон ташкилотлари ва фуқаролари билан баравар процессуал ҳуқуқлардан фойдаланадилар ва процессуал мажбуриятларни бажарадилар. Чет эл ташкилотлари иштирок этадиган ишлар бўйича суд иши ЎЗР ХПК меъёрларига мувофиқ юритилади.

Сиз Ўзбекистон компанияси давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги хўжалик судига қарзни шартнома (контракт) валютаси — АҚШ доллари, евро ва бошқаларда ундириш даъвоси (суд буйруғини бериш тўғрисида ариза) билан мурожаат қилишга ҳақлисиз.

Агар сизда ўзаро ҳисоб-китобларни солиштириш далолатномаси бўлса, суд буйруғини бериш тўғрисида аризани ЎЗР ХПК 102–106-моддаларининг талабларига риоя этган ҳолда беришни тавсия қиламиз. Аризанинг нухаси қарздор ташкилот раҳбарига тилхат олиб топширилади ва ушбу ташкилотнинг муҳри билан тасдиқланиши лозим¹. Агар у алоқа воситалари орқали юборилган бўлса, судья аризани қабул қилишни рад этади.

Суд буйруғи қуйидаги афзалликларга эга:

ариза суд муҳокамаси, қарздор ва

ундирувчини чақириш ҳамда уларнинг тушунтиришларини тинглашсиз кўриб чиқилади;

ариза учун судга умумий тартибда даъво билан мурожаат қилганда низолашилаётган суммадан келиб чиқиб ҳисобланган ставканинг 50%и миқдорида давлат божи тўланади;

суд буйруғи ижро ҳужжати кучига эга.

Суд буйруғи бўйича ундирув суд ҳужжатларини бажариш учун белгиланган тартибда буйруқ берилган кундан 10 кун ўтгач амалга оширилади.

Агар суд буйруғини бериш тўғрисида ариза нухасини тилхат олиб топширишга муваффақ бўлмасангиз, сиз ЎЗР ХПК 112–114-моддаларининг талабларига риоя этган ҳолда хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилишга ҳақлисиз.

Шунга ҳам эътибор қаратиш лозимки, хорижий валютадаги қарз суммасини ундириш тўғрисида даъво билан мурожаат қилинганда давлат божи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат божи ставкалари ҳақида»ги қарори (3.11.1994 йилдаги 533-сон) билан белгиланган ставкаларда АҚШ долларида, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг махсус валюта ҳисобрақамига тўланади.

Шунингдек сиз даъвога неустойка, зарарларни, шунингдек ўзингиз тўлаган давлат божи (чет эл валютасида) ва почта харажатларини (сўмда) ундириш талабини киритишга ҳақлисиз.

Павел СИЛЬНОВ,
адвокат.

¹Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг «Биринчи инстанция судида ишларни кўришда Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг қўлланилиши тўғрисида»ги қарори (15.06.2007 йилдаги 162-сон) 21-банди.

ДАВЛАТ РАҚОБАТ ҚўМИТАСИ ЯНГИЛИКЛАРИ

ЭЛЕКТРОН ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ УЧУН РўЙХАТ ТАСДИҚЛАНДИ

Давлат рақобат қўмитаси ўзининг расмий сайтида (gki.uz) табиий монополиялар субъектлари, давлат улуши устувор бўлган корхоналар ва ташкилотлар Ўзбекистон республика товар-хон ашё биржаси томонидан ташкил қилинадиган алоҳида савдо майдончасида электрон савдолар воситасида харид қиладиган айрим турдаги товарлар (ишлар, хизматлар) рўйхатини эълон қилди.

Эслатиб ўтамизки, устав жамғармасида давлат улуши 50%дан ортиқ бўлган табиий монополиялар субъектлари, давлат унитар корхоналари ва хўжалик жамиятлари рўйхати махсус Ҳукумат комиссияси томонидан белгиланган айрим турдаги товарларни (ишларни, хизматларни) бир шартнома бўйича эквиваленти 300 АҚШ долларидан 100 минг АҚШ долларигача бўлган миқдорда электрон савдолар воситасида харид қиладилар (Президентнинг 5.04.2013 йилдаги ПҚ-1948-сон қарори; ВМнинг 11.06.2013 йилдаги 166-сон қарори).

gki.uz сайтида жойлаштирилган Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги махсус Ҳукумат комиссияси йигилиши баённомасидан (2.08.2013 йилдаги 02-02/1-214-сон) кўчирмага мувофиқ 2013 йил 10 августдан бошлаб табиий монополиялар субъектлари, давлат улуши устувор бўлган корхоналар ва ташкилотлар харидларни Ўзбекистон республика товар-хон ашё биржасидаги савдо майдончасидан электрон савдолар воситасида амалга оширишлари шарт. Уларга 2013 йил 1 августгача тузилган шартномаларни ушбу шартномаларда белгиланган муддатгача, бироқ 2014 йил 1 январгача бўлган муддатда ижро этиш ҳуқуқи берилди.

Электрон савдолардаги корпоратив харидларда иштирок этувчи буюртмачилар ва етказиб берувчилар томонидан киритиладиган закатларнинг чекланган миқдори ҳар бир тараф учун тахмин қилинаётган шартнома суммасининг 3%идан ошмайдиган суммани ташкил қиладди.

gki.uz сайтидан.

ЎЗБЕКИСТОН – ҚОЗОҒИСТОН

ЭКСПОРТЧИЛАРИМИЗ ЖАВОБ ОЛДИЛАР

Ушбу сонда биз Қозоғистон Республикаси давлат органлари вакилларининг «Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги савдо оборотини кўпайтириш йўллари» деб номланган давра суҳбатида экспортчиларимизнинг саволларига жавобларини чоп этяпмиз. Давра суҳбати, Қозоғистон Миллий иқтисодий палатаси «Атамекен» уюшмаси билан USAIDнинг Минтақавий иқтисодий ҳамкорлиги бўйича лойиҳаси томонидан ташкил этилганлиги ва Алматида ўтказилганлигини эслатиб ўтамиз.

Қозоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Фитосанитария хавфсизлиги департаменти директори Ажар ҚАЖИБЕКОВА жавоб беради:

? Қозоғистон ҳудудига олиб кириладиган ўсимлик маҳсулотини устидан фитосанитария назорати қаерда амалга оширилади?

– Божхона иттифоқининг (БИ) божхона ҳудудини карантин объектларини олиб келиш ва тарқатишдан қўриқлаш ҳамда улар етказадиган талафотларни камайтириш 11.12.2009 йилдаги Божхона иттифоқининг ўсимликлар карантини тўғрисидаги битими (бундан кейин – Битим) мувофиқ таъминланади.

Олиб киришда бирламчи карантин фитосанитария назорати, агар божхона расмийлаштируви карантин маҳсулотини етказиб бериш жойида яқунланса, уни келтириш жойида ўтказилади. Иккиламчи назорат божхона расмийлаштируви яқунланган жойда ўтказилади. Агар юқори фитосанитария хатарига эга бўлган каран-

Қозоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Давлат санитария-эпидемиология назорати қўмитасининг Алмати шаҳри бўйича департаменти раҳбар ўринбосари Жибек АЖИБЕКОВА жавоб беради:

? Олиб кириладиган озиқ-овқат маҳсулотининг қандай турларига мувофиқлик сертификати талаб қилинади ва унда қандай ахборот акс эттирилиши керак?

– 2013 йил 1 июлдан бошлаб Божхона иттифоқининг 9.12.2011 йилдаги қарори билан тасдиқланган «Озиқ-овқат маҳсулотининг хавфсизлиги тўғрисида»ги техник регламент кучга кирди. Унга кўра БИнинг божхона ҳудудида муомалага чиқариладиган барча озиқ-овқат маҳсулотини мувофиқлик тўғрисида декларацияланиши керак, чорва моллардан олинган, қайта ишланмаган озиқ-овқат маҳсулотини, ихтисослашган озиқ-овқат маҳсулотини, сирка бундан мустасно.

Мувофиқлик тўғрисидаги декларацияда қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

ариза берувчининг номи ва жойлашган жойи;
ишлаб чиқарувчининг номи ва жойлашган жойи;
мувофиқликни тасдиқлаш объекти тўғрисида ушбу объектни идентификациялаш имконини берадиган ахборот;
ушбу Техник регламентнинг ёки талабларга мувофиқлигини маҳсулот тасдиқлайдиган айрим турдаги озиқ-овқат маҳсулотларига БИ техник регламентининг номи;
ариза берувчининг озиқ-овқат маҳсулотини ундан мақсадга мувофиқ фойдаланганда, мазкур Техник регламент ёки айрим турдаги озиқ-овқат маҳсулотларига БИ техник регламенти талабларига мувофиқлигини таъминлаш бўйича

тин маҳсулотини импорт қилинса (булар, мисол учун, янги узилган ва совутилган – картошка, томатлар, пиёз, бош-ли ва рангли карам, сабзи, шолғом, лавлаги, бодринг ва корнишонлар, бошқа сабзавотлар, шунингдек туваклардаги ўсимликлар, игнабаргли турлардаги пўсти шилиб олинмаган ёғоч материаллар, экиш материали), ҳужжатларни текшириш ва транспорт воситаларини кўриқдан ўтказишдан ташқари, карантин маҳсулотини кўздан кечирилади ёки кўриқдан ўтказилади (танлаб олиб, фитосанитария хатарини ҳисобга олган ҳолда). Зарурат туғилса, экспертиза учун намуналар (проба-лар) танлаб олинади. Унинг натижалари олингунча юк ушлаб турилмайди. Ваколатли орган мансабдор шахсининг кўрсатишига кўра маҳсулот зарарсизлантирилган тақдирда қайтадан кўриқдан ўтказилади.

Фитосанитария назорати натижалари бўйича, агар қўйилаётган фитосанитария талабларига риоя этилган ва етказиб бериш жойига олиб киришга рухсат берилган бўлса, олиб кириш ёки божхона назоратининг божхона

ариза берувчи чоралар кўрганда озиқ-овқат маҳсулотининг хавфсизлиги тўғрисида аризаси;

озиқ-овқат маҳсулотининг мазкур Техник регламент ёки айрим турдаги озиқ-овқат маҳсулотини турларига БИ техник регламенти талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш учун асос бўлиб хизмат қилган ўтказилган тадқиқотлар (синовлар) ва ўлчовлар, шунингдек ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотлар; мувофиқлик тўғрисидаги декларациянинг амал қилиш мuddати;

Божхона иттифоқининг тегишли техник регламентларида назарда тутилган бошқа маълумотлар.

? Чегарадаги санитария назорати тартибини белгилайдиган аниқ меъёрий ҳужжат борми?

– Божхона иттифоқининг божхона чегарасида ва унинг божхона ҳудудида давлат санитария-эпидемиология назоратини амалга ошириш таомили Божхона иттифоқининг божхона чегараси орқали ва Божхона иттифоқининг божхона ҳудудида Божхона иттифоқининг божхона чегарасини кесиб ўтайдиган шахслар ва транспорт воситалари, олиб ўтиладиган назорат товарлари устидан давлат санитария-эпидемиология назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом (БИ Комиссиясининг 28.05.2012 йилдаги 299-сон қарорига 4-илова) билан белгиланади.

? Юк Ўзбекистондан импорт қилинганда ҚР санитария хизмати вакиллари билан ўртамизда тушунмовчиликлар юз беради. Уларнинг ваколат доиралари тўғрисида маълумот берсангиз.

ТОВАРЛАР ЯГОНА РЎХАТИНИНГ II БЎЛИМИГА КИРИТИЛГАН ТОВАРЛАР

1. Маъданли сув (табиий истеъмол, даволаниш учун истеъмол, даволаниш суви), шишаларга қуйилган, идишларга қадоқланган ичимлик суви (шу жумладан болалар овқатланишида ишлатиладиган), тетиклаштирадиган ичимликлар, алкоғолли маҳсулот, шу жумладан кучсиз алкоғолли маҳсулот, пиво.

2. Махсус озиқ-овқат маҳсулотлари, шу жумладан болалар овқатланиши учун маҳсулотлар, ҳомиладор ва эмизикли аёллар учун маҳсулотлар, парҳез (давола-ниш ва профилактик) маҳсулотлар, спортчилар овқатланиши учун маҳсулотлар (бундан кейин – махсус озиқ-овқат маҳсулотлари); та-омга биологик фаол қўшимчалар, уларни ишлаб чиқариш учун хом ашё, органик маҳсулотлар.

3. Ген-муҳандислик-модификацияланган (трансген) организмларидан фойдаланиб олинган озиқ-овқат маҳсулотлари, шу жумладан генетик модификацияланган микроорганизмлар.

4. Озиқ-овқат қўшимчалари, шу жумладан комплекс қўшимчалар, ароматизаторлар, таъм-ароматик моддалари ва хом ашё компо-нентлари сифатида ўсимлик экс-

трактлари, микроорганизмлар-нинг бошлов урчитилишлари ва бактерия ачитқилари, технологик ёрдамчи воситалар, шу жумладан ферментли препаратлар.

5. Косметик маҳсулот; оғиз бўшлиғи гигиенаси воситалари ва буюмлари.

6. Дезинфекциялаш, дезинсекциялаш ва дератизациялаш воситалари (кундалик турмушда, даволаш-профилактика муассасаларида ва бошқа объектларда қўллаш учун, ветеринарияда қўлланадиганлари бундан мустасно).

7. Маиший кимёвий товарлар.

8. Потенциал хавфли кимёвий ва биологик моддалар ҳамда улар асосида тайёрланадиган, инсон учун потенциал хавф туғдирадиган препаратлар (дори воситаларидан ташқари), ишлаб чиқариш, қўллаш, ташиш, қайта ишлаш шароитларида, шунингдек уй-рўзғор шароитида киши соғлиғига ва атроф табиий муҳитга ноҳус таъсир кўрсатишга қодир бўлган табиий ёки сунъий равишда юзага келган индивидуал моддалар (бирикмалар).

9. Хўжалик-ичимлик сув билан таъминлаш тизимларида фойда-ланиш учун мўлжалланган мате-

риаллар, ускуналар, қурилмалар ва сув тайёрлашнинг бошқа техник воситалари.

10. Болалар ва катталар учун шахсий гигиена буюмлари; 3 ёш-гача бўлган болалар учун кундалик буюмлар: болалар овқатланиши учун фойдаланиладиган идиш-товоқ ва буюмлар, болаларнинг гигиеник парвариши учун буюмлар; болалар учун кийимлар (биринчи қатлам).

11. Озиқ-овқат маҳсулотларини солиш учун мўлжалланган буюм-лар (идиш-товоқ, ошхона анжом-лари, технологик ускуналардан ташқари).

БИ божхона ҳудудига назо-рат товарларини санитария-эпидемиологик ва гигиеник та-лабларга мувофиқлиги бора-сида маҳсулот хавфсизлигини тасдиқлайдиган ҳужжатларсиз олиб киришга, агар транспорт (ташиш) ва (ёки) тижорат ҳужжатларида олиб кириладиган товар Товар-ларнинг ягона рўйхати III бўлимида саналган товарларга мансублиги тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлса, йўл қўйилади.



таомилида (божхона режимида) жойлаштиришга сер-тификат берилади. Акс ҳолда олиб киришни тақиқлаш ёки божхона таомилида жойлаштириш далолатномаси тузилади.

? Экспортчи Ўзбекистонда фитосанитария сертификати расмийлаштириши мажбурийми?

– Битимга кўра, Карантин маҳсулотлари рўйхатига мувофиқ юқори фитосанитария хатарига эга карантин маҳсулотини гуруҳига киритилган карантин маҳсулотининг ҳар бир туркуми Божхона иттифоқининг божхона ҳудудига экспортчи (реэкспортчи) мамлакатнинг вако-латли давлат органи томонидан бериладиган экспорт ёки реэкспорт фитосанитария сертификати кузатувида олиб кирилади. У Ўсимликлар карантини ва уларни ҳимоя қилиш бўйича халқаро конвенция (Рим, 1951 йил, 1997 йилги тахрирда) билан белгиланган шаклда расмийлаштирилади.

– Аввало шуни таъкидламоқчиманки, Божхона иттифоқининг божхона чегараси ва божхона ҳудудида санитария-эпидемиология назорати ўтказиладиган то-варларнинг ягона рўйхати (БИ Комиссиясининг 28.05.2010 йилдаги 299-сон қарорига 1-илова, бундан кейин – Товар-ларнинг ягона рўйхати) II бўлимига киритилган назорат товарлари санитария-эпидемиологик ва гигиеник тала-бларга мувофиқлиги борасида маҳсулот (товарлар)нинг хавфсизлигини тасдиқлайдиган ҳужжат мавжуд бўлганда олиб кирилади. Ушбу ҳужжат БИ тарафи бўлган мамла-катларнинг аккредитация (аттестация) миллий тизимла-рида аккредитацияланган (аттестация қилинган) ҳамда Божхона иттифоқининг сертификатлаштириш органлари ва синов лабораториялари (марказлари) ягона реестрига киритилган ваколатли органларнинг лабораторияларида ўтказилган тадқиқотлар (синовлар) натижалари бўйича берилади.

БИ божхона чегарасида назорат товарлари санитария-карантин назорати қуйидаги элементларни ўз ичига олади:

● санитария-эпидемиологик ва гигиеник талабларга мувофиқлиги борасида маҳсулот (товарлар)нинг хавфсиз-лигини тасдиқлайдиган ҳужжатларни назорат қилиш;

● транспорт (ташиш) ва (ёки) тижорат ҳужжатларини текширишда иштирок этиш (божхона органларининг муро-жаати бўйича), Товарларнинг ягона рўйхатига киритилган назорат товарларини баҳолаш учун пробаларни кўздан кечириш, танлаб олишни ташкил этиш;

● қуйидаги ҳолларда баҳолаш учун назорат товарла-ри пробаларини кўздан кечириш, уларни танлаб олишни ташкил этиш (танлаб олиш):

ташиш шартлари, контейнерлар, лихтерлар ва ҳоказолар яхлитлиги бузилганда;

ўров шикастланганда;

товарлар эпидемиологик жиҳатдан ноҳус мамлакатлар-дан ва (ёки) радиоактив, кимёвий ва биологик авариялар натижасида заҳарланган туманлардан келтирилганда (ичидагиси оқиб кетганлиги аломатлари бўлган шикаст-ланган ўровда радиоактив материаллар, хавфли юклар ташилганда юзанинг радионуклидлар билан зарарлани-ши ҳамда нурланиш миқдори қувватининг йўл қўйиладиган кийматлардан ошганлиги аниқланганда) ва (ёки) кемирувчи-лар ва ҳашаротларнинг борлиги аломатлари бўлганда;

назорат товарларининг санитария-эпидемиология на-зоратидан ўтказиладиган товарларга оид Ягона санитария-эпидемиология ва гигиена талабларига (БИ Комиссия-сининг 28.05.2010 йилдаги 299-сон қарорига 2-илова) мувофиқ эмаслиги тўғрисида ахборот келиб тушганда;

назорат товарларининг транспорт (ташиш) ва (ёки) ти-жорат ҳужжатларида эълон қилинган товарларга мувофиқ эмаслиги тўғрисида ахборот бўлганда.

Бунга шуни қўшимча қилмоқчиманки, озиқ-овқат хавф-сизлигини таъминлаш мақсадида Давлат санитария-эпидемиология назорати қўмитасининг Алмати департамен-ти мутахассислари томонидан шаҳарда сотилаётган озиқ-овқат маҳсулотини ва хом ашёнинг хавфсизлиги мониторинги мунтазам ўтказиб келинмоқда. 2013 йилнинг биринчи ярми-да эртаги сабзавотлар, мева-лар ва полиз экинларида пести-цидлар ва нитратларнинг қолдиқ таркиби текширилганда 345 намуна танлаб олинди, шундан 14 таси ижобий (нитратлар 1,3–1,6 барабар ошган). 6 ҳолда маҳсулот Ўзбекистондан олиб келинган (қулупнай, ўрик, тарвуз, қовун). Таркибида нитратлар миқдори ошиб кетганлиги сабабли 856 кг мева-сабзавот маҳсулотини (800 кг ўрик, 56 кг тарвуз) реализация-дан олиб қўйилди ва йўқ қилинди.

Махсус мухбиримиз
Гулнора АБДУНАЗАРОВА тайёрлади.

БАЙРАМ АРАФАСИДА

ИШЛАШ МУМКИН ЭМАС, ҚИСҚАРТИРИЛСИН

Қонунга кўра байрам кунлари арафасида кундалик иш вақти муддати барча ходимлар учун камида бир соатга қисқартирилади. Агар корхонада 5 кунлик иш ҳафтаси бўлиб, байрам эса якшанбага тўғри келса, нима қилиш керак? Айтайлик, 2013 йил 1 сентябрь якшанбага тўғри келди. Корхонамиз ходимларга 30 август жумада эртароқ ишдан жавоб бериши шартми?

Б.Имомхўжаева,
касаба уюшмаси кўмитаси раиси.
Наманган вилояти.

– Агар байрам куни якшанбага тўғри келса, 5 кунлик иш ҳафтаси белгиланган корхона ходимларига жумада иш (смена) муддатини 1 соатга қисқартиришга мажбур эмас.

Меҳнат кодексининг 121-моддасига кўра айни байрам (ишланмайдиган) кунлари арафасида кундалик иш (смена) муддати барча ходимлар учун камида бир соатга қисқартирилади. Ушбу кунлар Кодекснинг 131-моддасида саналган. Улар мамлакатимизда тўққизта:

1 январь – Янги йил;
8 март – Хотин-қизлар куни;
21 март – Наврўз байрами;
9 май – Хотира ва қадрлаш куни;

1 сентябрь – Мустақиллик куни;


1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни;

8 декабрь – Конституция куни;

Рўза ҳайит (Ийд ал-Фитр) диний байрамининг биринчи куни;

Қўрбон ҳайит (Ийд ал-Адҳа) диний байрамининг биринчи куни.

Агар корхонада 6 кунлик иш ҳафтаси белгиланган бўлса, шанбада иш (смена) муддатини камида бир соатга қисқартириш мажбурий бўлар эди. Ҳатто шанбада одатда иш куни шундоқ ҳам ҳафтанинг қолган иш кунларидан қисқароқ



бўлишига қарамай, ушбу қоида амал қилади.

Масалан, корхонада 6 кунлик иш ҳафтаси белгиланган. Яъни 5 кун ходимлар 7 соатдан, шанбада эса 5 соат ишлашади ($7 \times 5 + 5 = 40$ соат)¹. 2013 йил 1 сентябрь якшанбага тўғри келди. Шу муносабат билан иш (смена) муддати 31 август шанбада ушбу корхонада бор-йўғи 4 соат бўлди.

Ахтам ҲИКМАТОВ,
адвокат.

Шусиз ҳам иш вақтининг қисқартирилган муддати белгиланган ходимларнинг иш куни байрамлар арафасида бир соатга камайтирадилми? Масалан, бизнинг корхонамизда вояга етмаган шахслар ҳамда I ва II гуруҳ ногиронлари ишлашади.

А.Эшпардаев,
қурилиш материаллари комбинати
кадрлар бўлимининг инспектори.

– Меҳнат кодекси 121-моддасининг формулировкасига кўра байрам (ишланмайдиган) кунлари арафасида кундалик иш (смена) муддати барча ходимлар учун камида бир соатга қисқартирилади.

Бинобарин, байрамлар арафасида қисқартирилган кун тўғрисидаги талаб иш вақтининг қисқартирилган муддати белгиланган ходимларга ҳам татбиқ этилади. Дарвоқе, уларга қуйидагилар киради:

18 ёшга тўлмаган шахслар;
I ва II гуруҳ ногиронлари;
меҳнат шароити ноқулай бўлган ишларда банд бўлган ходимлар;
меҳнат фаолияти ўзига хос хусусиятига эга бўлган ходимлар;

3 ёшгача болалари бўлган аёллар ҳамда бюджетдан молияланадиган муассасалар ва ташкилотларда ишлайдиган ходимлар.

Шу тариқа, ушбу ходимларга Меҳнат кодексининг 131-моддасида саналган байрам (ишланмайдиган) кунлари арафасида кундалик иш (смена) муддатини камида бир соатга қисқартириш ҳам мажбурийдир.

Ленара ҲИКМАТОВА,
юрист.

КЕЧ КЕЛИШИНГИЗ БОИСИ УЗРЛИ БЎЛСА

Биз хусусий медиа бизнесида ишлаймиз. Иш юзасидан хорижлик ҳамкасблар билан ҳамкорлик қиламиз. Шу боис тез-тез, мамлакатимизда байрам бўлганда, маъмурият ишлашимизни «илтимос» қилади. Бунда ҳеч қандай қўшимча ҳақ ҳақида сўз бормайди, касаба уюшмамиз мавжуд эмас. Айтингчи, байрам кунларидаги ишга қандай ҳақ тўланиши керак?

Шунингдек, билишимизча, байрам арафасидаги кунда ишдан бир соат олдин кетиш мумкин. Бундай кунда, аксинча, кечроқ келиш мумкинми? Ўзингиз тушунасиз, байрамда чиройли кўринишни, ҳамкасблар учун бирор-бир мазали таом тайёрлашни хоҳлаймиз.

Хусусий компания ходимлари.

– Шунингдек, таъкидлаш лозимки, байрам (ишланмайдиган) кунлари мунтазам равишда ишга жалб этиш ман этилади. Меҳнат кодексининг (МК) 132-моддасига мувофиқ ходимларни шу кунлари иш берувчининг фармойиши билан ишга жалб этишга алоҳида ҳоллардагина жамоа шартномасида белгиланган асослар бўйича ва

тартибда йўл қўйилади. Агар ташкилотда жамоа шартномаси тузилмаган бўлса, иш берувчи касаба уюшмаси кўмитаси билан келишган ҳолда иш тутати. Сиз кўрсатган ҳолдагидек, бундай кўмита бўлмаса, – ходимларнинг вакиллик органи билан келишилади.

Байрам кунлари ногирон-

лар, ҳомиладор аёллар ва 14 ёшгача болалар (16 ёшгача ногирон болалар) аёллар ҳамда 18 ёшга тўлмаган шахсларни ишга жалб этиш мумкин эмас.

МКнинг 157-моддасига кўра байрам кунларидаги иш учун камида икки ҳисса миқдорида ҳақ тўланади. Тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдори жамоа шартномасида ёки иш берувчи томонидан ходимларнинг вакиллик органи билан келишиб белгиланади.

Байрам кунларидаги иш ходимнинг хоҳишига қараб бошқа дам олиш куни (отгул) бериш билан қопланиши мумкин. Бу ҳолда байрам кунларидаги иш учун камида бир ҳисса миқдорда меҳнат ҳақи тўланади.

Байрам кунлари арафасида-

ги кундалик иш муддати барча ходимлар учун камида бир соатга қисқартирилади, шундай бўлса-да, унга ҳақ тўланади.

Бошлаш вақтини кўчириш йўли билан байрам арафасидаги иш куни муддатини 1 соатга қисқартириш қонун ҳужжатларида тўғридан-тўғри тақиқланмаган.

Байрам арафасидаги кунларда иш вақтининг бошланиши ва тугаши масаласи ички меҳнат тартиби қоидалари, бошқа локал норматив ҳужжатлар билан, бу ҳужжатлар бўлмаганда эса, – ходим билан иш берувчининг келишувига биноан белгиланади (МКнинг 120-моддаси). Шунингдек байрам ва байрам арафасидаги иш билан боғлиқ барча масалалар (ҳақ тўлаш,

иш куни давомийлиги ва ҳоказо) меҳнат шартномаси тарафлари (иш берувчи ва ходим) келишувига бўйича белгиланиши мумкин (МКнинг 73-моддаси). Шу сабабли ҳар доим ўз маъмуриятингиз билан амалий мулоқотда бўлинг.

Маъруф УСМОНОВ,
бош маслаҳатчимиз.

РЕКЛАМА

“AMIR-AUDIT” МЧЖ
аудиторлик ташкилоти
28.03.2008 йилдаги 00842-сон лицензия.
ЎзР АВнинг 12.01.2005 йилдаги 991-сон қўғоқномаси.

Ўзбекистон Республикасидаги барча ҳўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувлари ўткази

Малака сертификатли аудиторларни ишга қабул қиламиз

Бўхгалтерия ҳисоботи ва баланс тузиш

Тел.: (+99899) 187-04-68, (+99899) 644-62-23, 296-55-78; факс (8371) 296-52-15

ЭЪЛОНЛАР

ИШ

Қурилиш ташкилотига доимий асосда ишлаш учун қуйидаги мутахассислар керак:

1. Бош мутахассис – муҳандис.
2. Муҳандис-сметачи (ўрта махсус маълумотли бўлишига йўл қўйилади).
3. Бош мутахассис – бухгалтер.
4. Катта бухгалтер.

Ишловчиларга қўйиладиган талаблар:

олий маълумотли бўлиш (қурилиш, иқтисодий, бухгалтерлик соҳасида);
камида 3-5 йил мутахассислиги бўйича иш стажига эга бўлиш;
ҳўжалик ҳисобидаги ташкилотларда бухгалтерия ҳисобини билиш;

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиш;
Тошкент шаҳрида доимий пропискага эга бўлиш;
судланмаганлик.
Маълумот учун телефонлар: 291-60-51, 291-65-32, 291-65-30.

ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР

Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр*.
Тел. 346-16-89.

ADVOKAT ELITE. Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш*.
Тел.: 281-52-39, 346-16-89.

ХИЗМАТЛАР

Кимёвий тозалаш: ковроланлар, гиламлар, юмшоқ мебель ва автомобиль салонини кимёвий тозалаш.
Тел.: (+99893) 520-77-70, (+99894) 659-50-07.

Картрижларни тўлдириш. UzKART, ОН-ЛАЙН терминаллар жойига чиқиш билан.
Тел.: 235-19-91, 171-99-28, 162-34-55. www.likan.uz

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов исталган шаклда.
Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

*Хизматлар лицензияланган.
Товар сертификатланган.

АВИАЧИПТА ҚИЙМАТИНИ КОРХОНА ТЎЛАСА

ЎКИ ХОДИМ МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ АМАЛГА ОШИРИЛГАН ХАРАЖАТЛАРГА СОЛИҚ СОЛИШ ХУСУСИДА

Корхонамиз ходим учун авиачипталар, яшаш ва овқатланиш қийматини тўлаб беришининг солиқ оқибатларини кўрсатган ҳолда тегишли харажатларни тўғри юритиши учун қуйидаги саволларга жавоб берсангиз:

1. «Тошкент-Урганч» йўналиши бўйича корхонанинг бориш ва келиш авиачипталари юзасидан компенсация тўловлари жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи солиш мақсадида харажатларнинг қандай моддасига киритилади? Юридик шахсларнинг ходимларни иш жойига олиб келиш ва қайтариб олиб кетиш харажатлари сифатида ёки юридик шахс томонидан жисмоний шахс манфаатларини кўзлаб, йўл чипталари қийматини тўлаш ёки йўл чипталари қийматини қоплаш сифатидами?

Корхонанинг ишлаб чиқариш зарурияти билан боғлиқ бўлмаган, сафар учун авиачипталар бўйича компенсация тўловлари солиқ солиш мақсадида ходимнинг жами даромадига киритиладими?

2. Ходимга ташкилот тўлайдиган, Урганч шаҳрида яшаш ва овқатланиш учун компенсация тўловлари унинг даромади ҳисобланадими?

Воҳиджон Юлдашев,
МЧЖ бош бухгалтери.
Тошкент шаҳри.

— 1. Солиқ кодекси 177-моддасининг 1-бандига асосан солиқ тўловчи томонидан юридик шахсдан моддий наф тарзида олинган даромадлар қуйидагилардир:

юридик шахс томонидан жисмоний шахс манфаатларини кўзлаб, товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини, мулкый ҳуқуқларни тўлаш, шу жумладан:

жисмоний шахсларнинг болаларини мактабгача таълим муассасаларида ўқитиш, тарбиялаш;

коммунал хизматлар, ходимларга берилган уй-жой ҳақини, уй-жойдан фойдаланиш харажатлари ҳақини, ётоқхонадаги жойлар ҳақини ёки уларнинг ўрнини қоплаш қийматини тўлаш;

санаторий-курортларда даволаниш йўлланмалари қийматини, дам олиш, стационар ва амбулаторияга қатнаб даволаниш ҳақини ёки уларнинг ўрнини қоплаш қийматини тўлаш;

юридик шахснинг жисмоний

шахс даромади бўлган бошқа харажатлари.

Шундан келиб чиқиб, жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи солиш мақсадида иш берувчи томонидан ходим харид қиладиган, «Тошкент-Урганч» йўналиши бўйича бориш ва келиш авиачипталари қийматини қоплашни Солиқ кодекси 177-моддасининг 1-бандига киритиш керак, чунки корхона бу харажатларни ўз ходимининг манфаатларини кўзлаб амалга оширади.

Солиқ кодекси 171-моддаси иккинчи қисмининг 3-банди юридик шахснинг ходимларни иш жойига олиб бориш ва қайтариб олиб кетиш бўйича харажатларини шахс-лаштириб бўлмайдиган, ҳар бир ходим томонидан даромад қандай миқдорда олинганлигини аниқлаб бўлмайдиган харажатлар тарзида назарда тутати. Масалан, ишлаб чиқариш цехи ёки корхонанинг бошқа объекти аҳоли пунктдан ташқарида жойлашган ҳолларда

корхона ходимларни иш жойига олиб бориш ва қайтариб олиб кетишни таъминлайдиган транспорт ташкилотини ёллайди.

Тегишинча, сизнинг ҳолатингизда, авиачипталар қиймати моддий тарзидаги даромад сифатида ходимнинг жами даромадига киритилади ва унга жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи солинади, бироқ улардан ЯИТ ва суғурта бадаллари олинмайди.

2. Худди шундай, иш берувчининг ўз ходими овқатланиши ва яшашига ҳақ тўлаш бўйича харажатлари ҳам Солиқ кодекси 177-моддасининг 1-бандига кўра жисмоний шахснинг моддий наф тарзидаги даромадлари ҳисобланади.

Шу тариқа, ушбу харажатлар ҳам ходимнинг жами даромадига киритилади ва уларга жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи солинади. ЯИТ ва суғурта бадаллари ушбу ҳолда ҳам ҳисоблаб ёзилмайди.

ЛИ

ЧЕТ ЭЛЛИК ХОДИМДАН СОЛИҚ УШЛАНАДИМИ?

Қўшма корхонамизда чет эллик ходим меҳнат фаолиятини юрита бошлади. Унга иш ҳақини ҳисоблашда бизда савол туғилмоқда. Чет эллик ходимнинг иш ҳақи тарзидаги даромадларидан иш ҳақи фонди-дан ушланадиган солиқ ва мажбурий тўловлар қандай ставкада ушланиб қолганини лозим? Уларнинг иш ҳақи тарзидаги даромадларидан ўз фуқароларимиздан бўлгани каби, жумладан, 1% — ШЖБПХ, 6% — суғурта бадаллари, 25% — ЯИТ ушланадими? Ёки чет эллик ходимлар учун юқори-роқ фойзалар ҳисобланадими? Чет эллик ходимни Ўзбекистонда ҳисобга олиш тартиби қандай? Шу хусусда тўлиқ тушунча берсангиз.

Жавоб учун олдиндан миннатдорчилик билдирган ҳолда доимий ҳамкорингиз Алишер Бадалов, корхона бухгалтери, Самарқанд вилояти.

— Солиқ кодексининг 305-моддасида белгиланишича, ягона ижтимоий тўловни тўловчилар қуйидагилар ҳисобланади:

— юридик шахслар — Ўзбекистон Республикаси резидентлари;

— Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса, чет эллик юридик шахсларнинг ваколатхоналари ва филиаллари орқали амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари.

Жисмоний шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек Ўзбекистон Республикасида доимий равишда яшаб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини тўловчилардир.

Суғурта бадалларини ҳисоблаш ва ушлаб қолиш мажбурияти, шунингдек уларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши учун жавобгарлик иш берувчи зиммасига юклатилади.

Солиқ кодексининг 306-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаш учун чет эллик ходимларни бериш бўйича хизматлар кўрсатиш шартномасига мувофиқ юридик шахс — Ўзбекистон Республикаси норезидентига тўланадиган чет эллик ходимларнинг даромадлари ҳам ягона ижтимоий тўлов солиш объектидир.

Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 21.11.1996 йилдаги 408-сон қарори билан тасдиқланган Хорижий фуқароларнинг

ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлишлари қоидаларига асосан:

а) Ўзбекистон Республикасида бўлувчи хорижий фуқароларни келиш визасининг амал қилиш муддатига вақтинча рўйхатдан ўтказиш;

б) хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш учун рухсатномалар бериш;

в) хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юришлари;

г) қонунчиликни бузганликлари учун хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлишлари муддатларини қисқартириш ва бу ердан чиқариб юбориш тартиби белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 26.02.1999 йилдаги ПФ-2240-сон Фармони билан тасдиқланган Хорижий шахсга Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси, фуқаролиги бўлмаган шахсга Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси ва фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси тўғрисидаги низомга кўра республика ҳудудида доимий пропискага ва белгиланган тартибда Ўзбекистон ички ишлари органлари томонидан берилган яшаш учун гувоҳномага эга бўлган чет эллик фуқаролар Ўзбекистонда доимий яшовчилар деб ҳисобланади.

Хорижий шахсга ва фуқаролиги бўлмаган шахсга яшаш гувоҳномалари, фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномаси Ўзбекистон Республикаси ички ишлар

органлари томонидан хорижий фуқаро ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг истиқомат жойида берилади.

Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшашга рухсатнома олиш учун вақтинча турган жойидаги туман (шаҳар) ички ишлар органига мурожаат этиб, қуйидаги ҳужжатларни тақдим қиладилар:

— Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган шакл бўйича 2 нусхада ариза — сўровномалар;

— аризачи доимий яшаш ниятида бўлган қариндошлари (танишлари)нинг аризачи илтимосига ўз муносабатлари тўғрисида нотариат томонидан тасдиқланган аризалари, шунингдек қариндошлар (танишлар)нинг уй-жойга эгалик ҳуқуқини ва унда яшовчи шахслар сонини тасдиқловчи ҳужжатлар;

— никоҳ тўғрисидаги, боланинг туғилганлик ҳақидаги ҳужжатларнинг нотариат томонидан тасдиқланган нусхалари;

— ҳужжатларни кўриб чиқиш тартиби учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган миқдорда давлат пошлиnasi тўланганлиги тўғрисида қвитанция;

— катталиги 35x45 миллиметрли 2 та фотосурат.

«Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунга (2.12.2004 йилдаги 702-II-сон), Вазирлар Маҳкамасининг 21.12.2004 йилдаги уни амалга ошириш чоратadbирлари тўғрисидаги 595-сон қарорига ҳамда Иш берувчилар томонидан фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига мажбурий бадалларни қўшиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ иш берувчилар, шунингдек меҳнат фаолиятини меҳнат шартномаси бўйича амалга ошираётган фуқаролар учун жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок

этиш мажбурийдир. Мажбурий жамғариб бориладиган пенсия бадаллари — мажбурий тартибда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақига киритиладиган пул маблағларидир.

Меҳнат фаолиятини меҳнат шартномалари бўйича амалга ошираётган фуқаролар (улар жумласига ишловчи пенсионерлар, ўриндошлар ҳам қиради), шунингдек фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар бўйича ишларни бажарадиган фуқаролар, агар ушбу ходимлардан қонунга мувофиқ жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи ушланса, жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчилар сифатида жамғариб бориладиган пенсия тизимининг мажбурий иштирокчилари ҳисобланадилар.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғини тўлашдан тўлиқ озод этилган бошқа фуқаролар, шунингдек яқка тартибдаги табдиркорлар, юридик шахсни ташкил этмаган деҳқон хўжаликларининг аъзолари, чет эллик фуқаролар жамғариб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрий асосда иштирок этадилар, яъни пул маблағлари шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақига ихтиёрий асосда ўтказилади.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб хулоса қиладиган бўлсак, сизнинг қўшма корхонангиздаги чет эллик ходимнинг меҳнат ҳақи тарзидаги даромадларидан ягона ижтимоий тўлов (25%) тўланиши керак бўлади.

Фуқароларнинг суғурта бадаллари (6%) чет эллик ходимларнинг доимий прописка ва яшаш гувоҳномасига эга бўлганларидагина ушланади. Агар улар вақтинчалик пропискада бўлсалар, улардан суғурта бадаллари ушланмайди.

Мажбурий жамғариб бориладиган пенсия бадаллари (1%) чет эллик ходимларга татбиқ этилмайди. Улар жамғариб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрий асосда иштирок этадилар.

УЛУҒ ЗОТЛАР ИЛА КЎКСИ ОСМОН БОҒИСТОН

Шаҳри азим – Тошкентдан 120 км узоқликда, Ғарбий Тиёншон бағрида, Чорвоқ сув омбори ёнгинасида жойлашган Боғистон қишлоғи дунёга талайгина буюк зотлар етиштириб берган макон сифатида донг таратган. Ана шу сўлим қишлоқдан етишиб чиққан илоҳиёт илми алломалари, элга машҳур маърифатпарварлар ва сиёсий арбобларнинг мамлакатимиз тарихидаги улкан ролини ким билмайди дейсиз?! Улар диний билим таратдилар, сўфийлик анъаналарини ривожлантирдилар, умумбашарий қадриятларни қарор топтирдилар.

...Бир гуруҳ тошкентлик журналистлар билан тоғ бағридаги ана шу бекиёс қишлоқда бўлганимизда ҳаёлимни мана бу савол банд этди: табиат бағоят ажиб гўзаллик бахш этган бу гўша дин олами пешволарини ўзига жалб этиб, улар учун ҳаётбахш манба бўлиб қолдимикин ёки юксак маънавиятнинг ана шу бетимсол маскани мўъжизавий кучи ила

шайх Умар Вали аждодларидан бўлиб, Шайхонтохурга набирадир. Таваллуд аввалда Убайдулло исми берилган бу бобокалонимиз кейинчалик Хўжа Аҳрор Вали деган ном билан танилдилар. Ҳам илоҳиёт илмида беназир, ҳам давлат арбоби бўлган Хўжа Аҳрор XV асрда Темурийлар давлатида улкан роль ўйнаган.

Шайх Умар Вали мақбараси сўлим боғда жойлашган. Ривоятларга қараганда боғдаги дарахтларни у кишининг ўзлари эккан эканлар. Мақбаранинг ёнгинасида арабий нақш билан безатилган қайроқтош бор. Унинг бу ерга қандай келиб қолганлигини ҳеч ким бил-



қишлоқнинг жозибаси, мафтункорлигини оширдимикин?

Чор атрофдаги қишлоқлар орасида муқаддас қадамжолари сонига кўра Боғистонга тенг келадигани йўқ. Шайх Умар Вали Боғистоний мақбараси улар орасида алоҳида ажралиб туради. Бу ер диёримизнинг турли жойларидан келган зиёратчилар билан ҳамиша гавжум.

Мажмуа ноизири Бакриддин Амардиновнинг айтишича, шайх шажара бўйича зоти муборақлари Мухаммад пайғамбаримизга бориб тақаладиган халифа Умарнинг аждодидир. У киши ёшлигида сўфийликка ихлос қўйиб дарвешлик қилган дейишади. Ўша кезлари у йигирма нафар маслакдоши билан ислом динини тарқатиш учун Боғистонга келган экан. Узоқ йиллик сайру саргардонликлардан кейин бу тоғ қишлоғи у кишига ёқиб қолиб, шу ерда кўним топган ва шу ерга дафн қилишларини васият қилган экан.

Шайх Умар Вали Боғистонда таваллуд топган мутафаккирлар буюк сулоласи учун авлод бошидир. Тошкентнинг муқаддас ҳомийси ҳисобланмиш шайх Ҳованди-ат-Тоҳур (Шайхонтохур) у кишининг ўғлидир. Пойтахтимизнинг туманларидан бири XIV асрда яшаб ўтган ана шу улуг зот номи билан аталади. Боғистонда дунёга келган ва эндиликда аҳли жаҳон табарруқ зот сифатида эъзозлайдиган яна бир муқаддас зот бор. У киши

майди. Тошда 1189 йил санаси кўрсатилган. Зиёратга келганларнинг ҳар бири нияти ва илтижолари рўёбга чиқиши илинжида эзгу ният билан шу муқаддас тошга қўл теккизишга ҳаракат қилади.


Қишлоқ асрлар мобайнида Боғистон шайхларининг мулки бўлиб келди, улар ўз амлоклари гуллаб-яшнаши ва обод бўлиши ҳақида тинимсиз ғамхўрлик қилдилар. Қишлоқ аҳли атоқли элатлари – буюк зотлар билан фахрланадилар. Ўз қишлоқлари тарихини яхши биладилар, Боғистон янада обод бўлиши ва гўзаллашувини ўйлайдилар.

Биз журналистларни қишлоқнинг ҳозирги ҳаёти ҳам қизиқтирди. Ўз хонадонидида бизни очик чехра билан кутиб олган Файзулло Машуров бугунги кунда ҳам қишлоқлари қандай яшаётганлиги ҳақида завқ-шавқ билан сўзлаб берди.

Боғистон ўз номига яраша боғлар макони. Мўтадил тоғ иқлими, саховатли қуёш шарофати билан тоғликлар неча асрлардан бери бу кўҳна заминда ажойиб мевалар етиштириб келмоқда. Боғдорчилик истиқлолдан аввал ўз бағрига ана шу қишлоқни ҳам олган давлат хўжалиги фаолияти-

нинг асосий йўналиши эди. Ҳозир боғлар хусусий мулкка айлантирилган бўлиб, улар боғистонликларнинг асосий даромад манбаи бўлиб қолди. Ўтган асрнинг 70-йилларида бу ерда ипакчилик ривожлана бошлаган. Пилла тайёрлаш кўшимча иш ҳақида эга бўлишнинг дурустгина омилига айланган. Қишлоқ аҳлига ер ажратилган – уларга ипак курти боқиш учун тут дарахти кўчатлари ўтказишган. Эндиликда одамлар пиллачилик билан шуғулланиш иқтисодий жиҳатдан унча наф келтирмаётир, дейишмоқда. Иши оғир, ташвиши кўп эканлиги оқибатида пилланинг таннархи ошиб кетмоқда.

Боғистон бугунги кунда ҳам ўз номига монанд – бу ерда боғлар барқ уриб яшаб турибди. Теварак-атрофдаги қишлоқлардан фарқли равишда амалда ҳар бир боғистонликда 2–3 талаб боғ бор. Бундан ташқари ҳар бир хонадоннинг ҳовлисида – 15–20 сотих боғда мевалар фарқ бўлиб пишиб ётибди. Аҳолининг бир қисми асаларичилик билан шуғулланмоқда. Бу жойда етиштирилган асал-



Файзулло Машуров бугунги кунда Боғистонда одамлар қандай яшаётганлиги ҳақида завқ-шавқ билан гапириб берибди.

ни бозорларда жуда-жуда қадрлашар экан.

Ғарбий Тиёншоннинг этакларида жойлашган бу сўлим қишлоқ Уғом-Чотқол миллий боғининг ҳудуди саналади. Бу ерда дарахт кесиш ман этилади. Умуман олганда бу борада муаммо йўқ. Зотан боғистонликлар иморатбод дарахтларни ўзларига қарашли боғларда ўстирадилар. Хўжалик мақсадида, айтилик уйни иситиш, ошхонада ишлатиш учун эса шох-шаббалардан фойдаланишади.

Боғдорчилик ҳамон қишлоқ аҳли учун асосий иш бўлгани боис тадбиркорлик ташаббускорлиги асосан чоғроқ дўкончалар би-



лан кифояланади. Фермерлик эса бу ерда яхши ривож топди. Фермерлар етиштираётган узумларнинг довури олисларга таралган. Ёнғоқ етиштириш билан ҳам шуғулланишади. Тоғ қишлоғининг одамни мафтун этувчи манзараси дам олувчиларни оҳанрабодек тортади. Бу гўша тошкентликларни ҳам қизиқтириб қўйди – улар бу ерда «Боғистон дурдонаси» оромгоҳини барпо этдилар.

Боғистон ҳамиша бадастр қишлоқ бўлиб келган. Бу ерда ижтимоий инфратузилма дуруст шаклланган. Одамлар кўпгина масалаларни ҳамжиҳатликда, ҳашар йўли билан ҳал этадилар. «Тоғ қишлоғида муносиб ҳаёт кечириш учун шундай қилмаса бўлмайди», – деган гапни кекса отахонлардан кўп эшитдик.

Қишлоқда яшовчилар сони 2 000 нафарга яқинлашиб қолибди. Ўтган асрнинг 60-йиллари охирида Чорвоқ сув омбори тўлдирила бошлагач, оилаларнинг учдан бир қисми юқориққа кўчишга мажбур бўлибди. Шу зайил Боғистондан етти чақирим нарида Болодала деган янги қишлоқ пайдо бўлди.

Муқаддас зотларни дунёга келтирган бу қишлоқ афсоналарга бой. Афсоналар реал ҳаёт билан шу даражада узвий боғланиб кетганки, ҳақиқатни уйдирмадан фарқлаш жуда қийин. Сайру саёҳатимиз асносида бир ривоятнинг ўзини бир неча талқинда эшитган пайтларимиз ҳам бўлди. Файзулло ака яхши ҳамроҳ ва сўзамол ровий экан. Ундан Боғистон қишлоғи билан боғлиқ афсона ва ривоятларни алламаҳалга тинглар эканмиз, беихтиёр «Минг бир кеча» эртаклари ёдга тушади...

Файзулло аканинг айтишича, бир сафар шайхнинг хузурига ўзга юртлардан келган бир неча киши ишга ёлланиш учун келган. У киши бударбадарларга тоғ қияликларини бегона ўтлардан тозалашни буюрган. Маҳзун чехрали дарбадарлар қандайдир дуо ўқишган экан, ёввойи ўт-ўланлар ўз-ўзидан йўқ бўлиб қолибди. Шайх эса эрта тонгдан қош қорайгунча тиним билмай ишлабди. Баъзи дарбадарлар Умар Валининг илоҳий кучи борасида шубҳага боришибди. Ана шунда шайх ҳазратлари тафаккур кучи билан иккита улкан тут дарахтини илдиз-пилдизи билан суғуриб, яна жойига ўрнатган эканлар. Шу зайил у киши қалб Аллоҳда, қўл меҳнатда бўлсин деган ақидани эслатган эканлар. Бошқа бир афсонага кўра ҳазрат бир коса қатиқ ва битта нон билан дарбадарларни тўйдирган

эканлар. Ёки бошқа бир кечмиш воқеага кўра, шайх ҳазратлари меҳмонга кетаётганлар бемалол ўтиб олсин, дея ўкириб ётган тоғ дарёсини музлатиб қўйган эканлар. Бошқа бир афсонада айтилишича, у кишининг боғларида қаҳратон қишда ҳам тоқлар барқ уриб яшаб, узум шундоққина пишиб ётган. Бу ривоятнинг бир жиҳати шайх ҳазратларининг ажойиб боғбон, соҳибкор эканликларига ишорадир.

Саёҳатимиз охирида Чиллахона ғорига йўл олдик. Тоғ бағридаги аллақандай ғаройиб ўйқни эслатувчи дарадаги шовуллаб ётган сойлар, олисда ярқираб, жилоси кўзни олаётган Чорвоқ сув омбори ҳар қандай одамни ўзига мафтун этарди. Гўзал манзараларга аланглаб, йўлбошчимиз Даврон Файзуллаевга базўр етиб оламиз. Сўлим тоғ манзараси шамоллар ўз таъсирини ўтказган ҳайбатли чўққилар билан алмашди. Тоғ қишлоғи нақадар машаққатли меҳнат билан бунёд этилганлигига ич-ичингдан тасанно ўқийсан киши.

Ғор қадим-қадим пайтлардан буён мавжуд. Ўз вақтида зоҳидлар кўним топган бу мағорада ёзнинг авжи иссиқ кунлари кўпгина боғистонликлар қирқ кун макон тутганлар. Дуои фотиҳалар ўқилган, қалб муссаффолиги, маънавий камолот ҳақида тафаккур юритилган, диний маърифат босқичига эришилган. Даврон аканинг сўзларига қараганда, қишлоқ аҳли орасида ҳозирги кунда ҳам ана шу анъана тарафдорлари бор экан. Улар «вақт ҳақида, ҳаёт ҳақида, ўзлари ҳақида» ўйлаш учун хилватга чекинганлар. Шуларни ўйлаб ғорга кўтарила бордик. Йўлнинг ўзи бизни синовдан ўтказди.

Йўл ниҳоятда тор экан. Баъзи ҳамроҳларимиз у ёғига бормай кўя қолишди. Тош қопчиқни тезроқ тарқ этишни истаб қолишди улар. Бошқаларни кутмай орқага қайтишга қарор қилдик, бироқ йўлдан чалғиб қош қорайгунча адашиб юрдик. Бу орада ўртоқларимиз ғорни бориб кўришибди – «зафарлари»дан беҳад қувончда эканликлари чехраларидан кўриниб турар эди. Тун ўз пардасини ёйган пайтда тоғдан пастга тушиш жуда хатарли бўлса-да, ҳаммаси хайрли тугади. Хуллас, бир олам тасаввур билан, ўлканинг буюк тарихига яна бир бор дахл этиш истагида қайдик.

Ирина ГРЕБЕНЮК,
ўз мухбиримиз.
Муаллиф фотолари.

ФУҚАРОДАН 17-ШАКЛНИ ТАЛАБ ҚИЛИШ ҚОНУНИЙМИ?

Мен Ўзбекистон фуқаросиман, 1991 йил сентябрдан Ўзбекистонда яшайман. Ҳозир паспортни биометрик паспортга алмаштириш чоғида мендан 1, 16 ва 17-шаклларни топишни талаб қилишяпти. Мен ушбу ҳужжатларни қаердан топаман? Орзигул.

— Хорижда чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмаларининг ходимлари алмаштиришга тақдим этилган паспортларнинг ҳақиқийлигига шубҳа туғилганда Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага (ИИВнинг АВ томонидан 9.04.1999 йилда 698-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган) кўра аризачининг шахсини текширишга

ҳақлилар. Бунинг учун улар 1-сон (паспорт берилиши тўғрисида ариза), 16, 17-сон (прописка қилиниш карточки ва квартиралар бўйича карточка) шакллардаги карточкаларни сўрашлари мумкин.

Бироқ фуқаролардан ушбу карточкаларни тақдим этишни талаб қилиш ноқонуний, чунки 1-сон шакл фақат хизматда фойдаланиш учун мўлжалланган бўлиб, фуқаролар ҳатто унинг нусхасини ҳам беришлари мумкин эмас.

16, 17-сон шакллардаги карточкаларни хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими ходими хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларидан сўраб олиши керак. Ушбу карточкаларни ҳам фуқароларга бериш тақиқланади. Агар карточкалар мавжуд бўлмаса, сўровга жавобда уларнинг йўқлиги сабаблари кўрсатилади.

Ушбу ҳаракатларнинг барчаси фуқаро томонидан эски намунадаги паспорт олиншининг қонунийлигини белгилаш учун амалга оширилади.

Сизнинг ҳолатингизда хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими раҳбарларига шикоят билан мурожаат қилишингиз ва сиздан кўрсатилган ҳужжатларни тақдим этишни талаб этаётган ходимларнинг ноқонуний ҳаракатларини кўрсатишингиз мумкин.

ВИЗАЛАРНИ ҚИРҚИБ ОЛСА БЎЛАДИМИ?

Амал қилувчи визалари бўлган паспортни қандай қилиб алмаштириш мумкин? Эски паспортдан визали саҳифани қирқиб олса бўладими?

— Йўқ, эски паспортдан саҳифани қирқиб олиб бўлмайди. Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага (ИИВнинг АВ томонидан 9.04.1999 йилда 698-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган) кўра алмаштиришга топшириладиган паспорт белгиланган тартибда ички ишлар органларида йўқ қилиниши керак, йўқ қилинаётган паспортдан саҳифаларни олиш эса қатъиян тақиқланади.

Сизга паспортни алмаштиришга топширишдан аввал унинг амал қилувчи визалари бўлган саҳифаларининг ксеронусхасини олишни тавсия қиламиз. Сўнгра уларни хорижий мамлакатларнинг элчихоналарига тақдим этасиз, улар эса визаларни янги паспортларга кўчирадилар.

Жавобларни экспертими Санжар ХУЖААХМЕДОВ тайёрлади.

ХОРИЖДА

МАСОФАДАН ТУРИБ ИШЛАЙДИГАН ХОДИМ ХУСУСИДА

Ходим билан иш берувчи ўртасидаги муносабатларнинг янги шакллари йўналишини ривожлантира бориб, Россия қонун ижодкорлари жорий йилда масофадан туриб ишлашнинг тушунча ва регламенти белгиланган Федерал қонунни қабул қилдилар. Россия Федерациясининг Меҳнат кодексига (РФ МК) «Масофадан туриб ишлайдиган ходимларнинг меҳнатини тартибга солиш хусусиятлари» деган янги 49.1-боб киритилди.

РФ МКда бундай меҳнатга куйидаги таъриф берилган. Бундай меҳнат бўлиб контракт билан белгиланган функцияларни иш берувчи жойлашган жойи, унинг филиали, ваколатхонаси, бевосита ёки билвосита иш берувчининг назорати остида жойлашган ҳудуд ёки объектдан ташқарида бажариш ҳисобланади. Бунда меҳнат функцияси умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқлари, шу жумладан Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда бажарилиши керак.

Масофадан туриб ишлайдиган ходимлар тўғрисида РФ МКнинг қоидалари мантиқан Касаначилик ишлари тўғрисидаги кодекс меъёрлари мантиқига мувофиқ келади, бироқ замонавий атамалардан фойдаланган ҳолда таърифланган. Моҳиятан олганда, Россияда бундай ходимлар штатдаги ходимларникидек ҳуқуқ ва кафолатлар оладилар.

ШАРТНОМА, МЕҲНАТ ДАФТАРЧАСИ ВА ҲУЖЖАТЛАР

«Эркин ёлланганлар» билан муносабатларда кучайтирилган малакали электрон имзодан фойдаланиш таклиф этилади. У ёки бу расмий ҳужжат шартлари қабул қилинганлигини тасдиқлаш учун «рақамли дастхат» зарур бўлган вазиятларда ходим томонидан ҳам, иш берувчи томонидан ҳам бундай электрон рақамли имзодан фойдаланиш назарда тутилган.

Қонунга кўра масофадан туриб ишлайдиган ходим деярли ҳар доим фирма билан ҳамкорликда электрон ҳужжатлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга, компания қоғоз шаклидаги асл нусхаларни талаб қиладиган ҳоллар бундан мустасно. Масалан, касаллик варақаси олишнинг ёки декрет таътилига чиқишни расмийлаштириш ана шундай истиснодир. Ходим ушбу ҳолларда касаллик варақасининг асл нусхасини тақдим этиши зарур. Қонунда бундай қоғозларни почта орқали хабарнома берган ҳолда буюртма хат билан юбориш кўрсатилган. Почта харажатларини тўлаш масаласи ходим билан ташкилот ўртасидаги келишув орқали ҳал этилади.

Асосий кадр ҳужжатларини лозим даражада расмийлаштиришга қўйиладиган талаблар сақланади. Фирмага ишга қабул қилиш учун қоғоз ҳужжатлар талаб қилинса, ходим ҳужжатларнинг нотариал тасдиқланган нусхаларини почта орқали хабарнома берган ҳолда буюртма хат билан юбориши шарт. Иш берувчи қоғозда имзолаган, масофадан туриб ишлаш тўғрисида меҳнат контракт почта орқали, у тузилган пайтдан бошлаб 3 календарь кундан кечиктирмай хабарнома берган ҳолда буюртма хат билан ходимга юборилади.

Масофадан туриб ишлаш шартномасида қонун ҳужжатларига кўра меҳнатнинг муҳим шартлари назарда тутилиши керак. Бундан ташқари, унда ходимнинг иш берувчи томонидан тақдим этилган ёки тавсия қилинган асбоб-ускуналар, дастурий-техник воситалар, ахборотни ҳимоя қилиш воситалари ва бошқа дастаклардан фойдаланиш мажбурияти тўғрисида қўшимча шартлар белгиланиши мумкин.

Масофадан туриб ишлаш муносабатлари юзага келиши ва йўлга қўйилишининг барча жиҳатлари ва шарт-шароитларидан келиб чиқиб, контрактда ҳам, худди одатдаги шартномада бўлганидек, меҳнатда фойдаланиладиган техник воситаларнинг қоида ва тавсифларини, раҳбар билан ҳамкорлик қилиш тартиби, топшириқлар олиш ва ҳисобот топшириш усуллари (муддатлари, ҳужжатларнинг шакллари ва ҳоказо) тўлиқ даражада кўрсатишга рухсат берилади. Битимда ходимнинг ўзига тегишли ёки ижарага олган ускуналардан фойдаланганлиги учун компенсациялар тўлови тўғрисидаги шартлар ҳам акс эттирилиши мумкин.

Меҳнат дафтарчасига келсак, янги Қонунда тартибга солинишича, унга тарафларнинг ўзаро келишувига кўра ёзувлар қайд этилмаслиги мумкин. Бунинг устига, агар масофадан туриб ишлаш тўғрисидаги контракт ишга биринчи бор қираётган шахс билан тузилса, бундай ходимга меҳнат дафтарчаси умуман расмийлаштирилмаслиги мумкин. Ушбу ҳолда контрактнинг ўзи меҳнатда бандлик ва стажнинг тасдиғи бўла олади (тегишинча, унда ишни бошлаш санаси, лавозими ва таркибий бўлинма аниқ кўрсатилиши керак). Шу сабабли масофадан туриб ишлаш тўғрисидаги меҳнат шартномаси муддатли бўлиши мумкин, бу эса мутахассиснинг масофадан туриб ишлаш фаолияти бошланиши ва тугаши аниқ саналарини кўрсатиш имконини беради.

Агар меҳнат муносабатлари тарафларидан бири меҳнат дафтарчасидаги ёзувни лозим даражада расмийлаштириш (ёки биринчи маротаба ишга қираётганда янги дафтарчани расмийлаштириш) хоҳишини билдирса, юқорида баён этилган, ҳужжатларни почта

орқали хабарнома берган ҳолда буюртма хат билан жўнатиш усули қўлланади.

ОЛИСДАГИ ИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Бундай ходимларнинг иш жойи компания худудидан ташқарида жойлашганлиги сабабли ички меҳнат тартиби қоидаларининг талаблари уларга татбиқ этилмайди дея хулоса чиқариш тўғридир. Олисдаги ходим ўзи учун иш ва дам олиш вақтлари, танаффуслар ва дам олиш кунларини белгилашга ҳақли. Бундай амалий муносабатларнинг хусусияти амалда ишни бажаришга сарфланган вақтга эмас, балки иш натижасига ҳақ тўланадиган пулли хизмат кўрсатиш шартномаси тузилган мутахассислар ишига яқинлаштирилган.

Агар масофадан туриб ишлаш шартномасини бекор қилиш тартиби тўғрисида сўз юритсак, ходимни РФ МКда назарда тутилган асослар бўйича ишдан бўшатиш тартиби сақланади. Аммо, баъзи ҳолларда Кодекснинг меъёрлари амалга оширилмаслиги мумкин. Масалан, бундай ходимни ишга келмаганлиги (прогул) ёки хизмат жойида алкоғолдан, наркотик ёки бошқача токсик мастлик ҳолатида пайдо бўлганлиги учун ишдан бўшатиш мумкин эмас.

Ходимнинг иш жойи офисдан ташқарида жойлашганлиги сабабли, компанияга хавфсиз шарт-шароитлар ва меҳнат муҳофазасини таъминлаш бўйича кўпгина талаблар татбиқ этилмайди. Илгари Россия Меҳнат вазирлиги ҳар бир ходим учун хизмат жойларини аттестациядан ўтказишни шарт қилиб қўйган эди, бугунги кунда ушбу таомил фақат ишларнинг муайян турлари учун мажбурий, персонал компьютерларда бандлик улар рўйхатига кирмаслиги мумкин. Бинобарин, россиялик экспертлар улар учун аттестация мажбурий эмас деган фикрга келмоқдалар.

Хизматга қабул қилиш чоғида кадрлар бўлими мутахассиси бундай ходимни компания томонидан тавсия қилинган ёки тақдим этилган асбоб-ускуналар ва воситалар билан ишлашда меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари билан таништириши шарт.

Офисдан ташқари ишлашнинг барча афзалликлари ва қулайликларига қарамай, шуни таъкидлаш лозимки, раҳбарнинг бевосита ҳозирлиги, тақдирлаш ва жазолаш тизимининг мавжудлиги иш жараёнлари узлуксизлигини таъминлайди. Масофадаги ходим эса ўзининг интизими ва иш мотивациясини ошириб бориши керак. Уй ташвишлари эса масофадан туриб ишлайдиган ходимга халал бериши мумкин.

Россия матбуоти материалларидан.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ
СОЛИКЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД ҚУРБОНБОВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100105, Тошкент ш.,

Миробод тумани,

Таллимаржон кўч., 1/1,

Тахририят тел. 283-44-27

Обуна бўлими тел. 200-00-30

E-mail: gazeta@norma.uz, normapress@mail.ru

www.norma.uz

Нашр учун масъул:

Зулфия Раҳимбекова

Муаллифлар фикри доим ҳам тахририят нуқтаи назарига мос келмавермайдиган.

Тахририят муштариолар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.

«Норма маслахатчи»да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлланатириш, тарқатишга фақат «Norma» газеталари бирлашган тахририяти МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета тахририят томонидан таъминланган диапозитивлар ёрдамида «ТОРПРИНТ» МЧЖ босмахонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).

Индекс - 186 Буюртма 1136 Адади 2145. Баҳоюси келишилган нархда

Газета А3 ҳафтада, 4 шартли босма табақда чоп этилди.

Газета 2013 йил 2 сентябрда соат 18.30 да топширилди.

ISSN 2010-5223